

САЙЁХЛАР ХАВФСИЗЛИГИ ТАЪМИНЛАНМОҚДА**Атаджанов Азамат Юрьевич**

Телефон +998 (97)-479-09-27

<https://doi.org/10.5281/zenodo.14968215>

Аннотация. Мазкур мақолада Хоразм вилояти ИИБ Хавфсиз туризмни таъминлаш бошқармаси томонидан сайёхлар хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашии бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар таҳлил қилинади. Туризм ривожланиси фонида хорижий ва маҳаллий сайёхларга тезкор ёрдам кўрсатиш, хавфсиз муҳитни таъминлаш ҳамда жамоат тартибини сақлаш борасидаги ташкилий-ҳуқуқий механизмлар кўриб чиқилади.

Калим сўзлар: хавфсиз туризм, сайёхлар хавфсизлиги, Хоразм вилояти ИИБ, туристик хизматлар, интеллектуал кузатув камералари, жамоат тартиби, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, туристик инфратузилма, ахборот технологиялари, жиноятчиликка қарши кураш, “Вазиятлар маркази”, маъмурий чоралар, сайёхларга ёрдам, туризмни ривожлантириши.

SECURITY OF TOURISTS IS PROVIDED

Abstract. This article analyzes the measures taken by the Department of Safe Tourism of the Khorezm Regional Department of Internal Affairs to ensure the safety of tourists and combat crime. Against the background of tourism development, organizational and legal mechanisms for providing prompt assistance to foreign and domestic tourists, ensuring a safe environment, and maintaining public order are considered.

Keywords: safe tourism, tourist safety, Khorezm Regional Department of Internal Affairs, tourist services, intelligent surveillance cameras, public order, crime prevention, tourist infrastructure, information technologies, crime prevention, "Center of Situations", administrative measures, assistance to tourists, tourism development.

БЕЗОПАСНОСТЬ ТУРИСТОВ ОБЕСПЕЧЕНА

Аннотация. В статье анализируются меры, принимаемые Отделом безопасного туризма Хорезмского областного управления внутренних дел по обеспечению безопасности туристов и борьбе с преступностью. На фоне развития туризма рассматриваются организационно-правовые механизмы, позволяющие оперативно оказывать помощь иностранным и отечественным туристам, обеспечивать безопасную среду и поддерживать общественный порядок.

Ключевые слова: безопасный туризм, безопасность туристов, Хорезмское областное управление внутренних дел, туристические услуги, интеллектуальные камеры видеонаблюдения, общественный порядок, профилактика правонарушений,

туристическая инфраструктура, информационные технологии, профилактика преступлений, «Ситуационный центр», административные меры, помошь туристам, развитие туризма.

Хоразм вилояти ИИБ Хавфсиз туризмни таъминлаш бошқармаси томонидан вилоятимизга ташриф буюраётган чет эл ва маҳаллий сайёхларнинг хавфсизлигини таъминлаш ҳамда ёрдамга муҳтож сайёхларга тезкорлик билан амалий ёрдам кўрсатиш орқали вилоятимизни саёҳат учун хавфсиз худуд сифатидаги имиджини янада мустаҳкамлаш борасида бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилиб келинмоқда.

Ўтган 2024 йил давомида вилояти ИИБ Хавфсиз туризмни таъминлаш бошқармаси ходимларига турли масалаларда ёрдам сўраб жами 20.060 нафар чет эл ва маҳаллий сайёхлар мурожаат қилишган бўлиб, шулардан 19.234 таси йўналиш кўрсатиш бўйича, 783 таси туристик хизмат кўрсатишга доир бошқа масалалар бўйича ҳамда 43 таси тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича қилинганд мурожаатлардир.

Мисол учун Испаниялик Хулио ва Италиялик Аминаларнинг сумкалари, Франциялик Лилининг “Iphone 14” русумли, АҚШлик Жоннинг “Iphone 16 pro max” русумли телефонлари, Германиялик Марта ва Япониялик Фуюкининг банк пластик карточкалари, Руминия фуқароси Франсонинг Хива шаҳар Темир йўл вокзалида унутиб қолдирилган Samsung русумли телефоны, Франсиялик Жулиетта ва Италиялик Валеринонинг паспортлари бошқарма ходимларига қилинганд мурожаатлар асосида топилиб, эгаларига қайтарилиди.

Барча ҳолларда сайёҳлар кўрсатилган бундай амалий ёрдамлардан мамнун бўлиб, “Tourist Police” ходимларига миннатдорчиликларини билдирилар.

Вилоятда хавфсиз туризмни таъминлаш ҳамда жамоат тартибини сақлашда ахборот технологиялари ва коммуникациялари имкониятларидан самарали фойдаланишга хам алоҳида эътибор қаратилган.

Шу мақсадда вилоят ИИБ Хавфсиз туризмни таъминлаш бошқармасида “Вазиятлар маркази” ташкил этилиб, марказга вилоятдаги туризм намойиши обьектлари ва инфратузилмаси худудларидаги ҳамда бошқа аҳоли гавжум бўладиган худудлардаги 600 дан ортиқ кузатув камералари интеграция қилинганд ва 2025 йилнинг 1-ярим йиллиги давомида яна кўшимча 1000 дан ортиқ шахснинг юзини ва транспорт воситаларининг давлат рақамини аниқловчи интеллектуал кузатув камераларини интеграция қилиш режалаштирилган.

Кузатув камералари ҳудудни туну-кун кузатиш имконини бериши билан бирга жиноят ва хукуқбузарликларни барвақт олдини олиш, содир этилган жиноятларни иссиқ изидан фош қилиш ҳамда қидирудаги шахсларни ушлашда муҳим аҳамиятга эга.

Бошқарма ходимлари томонидан туризм намойиши объектлари ва инфратузилмаси ҳудудларида чет эл ва маҳаллий сайёхларнинг ҳёти ва соғлигига хавф туғдириши мумкин бўлган ҳолатларни аниқлаб бартараф этиш ҳамда сайёхларга қўшимча қулайликлар яратиш мақсадида жойларда ўрганишлар олиб борилиб, тегишли идора ва ташкилотларга таклиф ва тақдимномалар киритиш амалиёти ҳам йўлга қўйилган.

Ўтган 2024 йилда маҳаллий давлат органлари ва тегишли ташкилотларга жами 27 та тақдимномалар киритилган бўлиб, уларнинг 17 таси хавфсизликни таъминлаш бўйича, 6 таси қўшимча қулайлик яратиш бўйича, 2 таси ёнғин хавфсизлиги бўйича ва 2 таси йўл ҳаракати хавфсизлиги бўйича киритилди.

Шунингдек, ҳисбот даврида сайёхларга қўшимча қулайликлар яратиш ва хавфсизликни таъминлаш масаласида турли давлат органлари ва ташкилотларига ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органларига 34 та таклифлар киритилди.

Киритилган таклифларнинг 9 таси қўшимча қулайлик яратиш бўйича, 18 таси хавфсизликни таъминлашга оид бошқа масалалар ва 7 таси йўл ҳаракати хавфсизлиги бўйичадир.

Бошқарма ходимлари томонидан патруллик йўналишларида хукуқбузарликларни барвақт олдини олиш ҳамда хукуқбузар шахсларга нисбатан қонуний чора кўрилишига алоҳида эътибор қаратилган бўлиб, ҳисбот даврида 520 нафардан ортиқ фуқаролар хукуқбузарлик содир қиласлик тўғрисида расмий равища огоҳлантирилди ва 770 нафардан ортиқ фуқароларга нисбатан турли хил хукуқбузарликлар учун маъмурий баённомалар расмийлаштирилди.

Бундан ташқари аҳолининг туристик маданиятини янада ошириш орқали вилоятда хавфсиз туризмни таъминлаш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилган бўлиб, бошқарма ходимлари томонидан 2024 йил давомида хавфсиз туризмни таъминлаш йўналишида жами 817 маротаба оммавий ахборот воситаларида чиқишилар қилинди.

Мазкур чиқишиларнинг 28 таси телевиденияда, 24 таси газета ва журналларда, 18 таси радиода ҳамда 747 таси интернет ижтимоий тармоқларида қилинган чиқишилардир.

Бошқарма ходимлари томонидан туризм намойиши объектлари ва инфратузилмаси ҳудудларида сайёхлар хавфсизлигини таъминлаш мақсадида вилоят ИИБнинг тегишли соҳавий хизматлари ҳамда мутасадди идора ва ташкилотлар билан ҳамкорликда амалга оширилган чора тадбирлар натижасида ўтган 2024 йил давомида вилоятимизда сайёхларга нисбатан жиноят ва хукуқбузарликлар содир этилишига йўл қўйилмади.

REFERENCES

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 26 апрелдаги ПҚ-135-сонли "Республиканинг туризм салоҳиятини жадал ривожлантириш ҳамда маҳаллий ва хорижий туристлар сонини янада оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 6 мартағи ПҚ-4229-сонли "Транспорт ва туризм обьектларида жамоат хавфсизлигини таъминлашнинг самарали тизимини жорий этишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори.
3. "Экологик туризм" ўқув қўлланмаси, А.Н. Норчаев ва Э.Т. Раббимов томонидан.
4. "Меҳмонхона хўжалигини ташкил этиш ва бошқариш" таълим қўлланмаси.
5. "Туризм инфратузилмаси" ўқув қўлланмаси.
6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 12 февралдаги 83-сонли "Туризм соҳасида хавфсизликни таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори.
7. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги. "Туризм хавфсизлигини таъминлаш бўйича қонун хужжатлари ва меъёрий-хукукий хужжатлар тўплами". Тошкент: ИИВ нашриёти, 2023.
8. Хоразм вилояти ИИБ Хавфсиз туризмни таъминлаш бошқармасининг 2024 йил ҳисобот маълумотлари.
9. "Ўзбекистонда хавфсиз туризмни таъминлашнинг замонавий тенденциялари" – Илмий-амалий конференция материаллари. Тошкент: 2023.
10. "Дунё туристик хавфсизлик стандартлари ва уларни Ўзбекистонда жорий этиш масалалари". Тошкент, 2022.